

Етимнинг молига токи у вояга етгунича, яқинлашманглар



19:00 / 19 март 825

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

أَشَدَّهُ وَيَبْلُغَ حَتَّى أَحْسَنُ هِيَ بِأَلَّتِي إِلَّا الْيَتِيمِ مَالٍ نَقَرَبُوا وَلَا

مَسْئُولًا كَانِ الْعَهْدَ إِنَّ بِالْعَهْدِ وَأَوْفُوا ٣٤

«Етимнинг молига токи у вояга етгунича, яқинлашманглар. Яхшилик ила бўлса, мустасно. Аҳдга вафо қилинглар. Албатта, аҳд сўралажак нарсадир» (Исро сураси, 34-оят).

Исломда ҳар бир кишининг жони каби, моли ҳам бедахлдир. Етимлар ҳаққиға хиёнат қилиш ҳоллари ҳаётда тез-тез учраб тургани учун ҳам, оятда уларнинг молиға ёмон ният билан яқинлашишдан қайтарилмоқда.

«Етимнинг молиға токи у вояға етгунича, яқинлашманглар».

Кишиларнинг молиға ёмон ният ила умуман яқинлашиб бўлмайди. Етимнинг молиға эса у балоғатға етгунича, мутлақо яқинлашиш мумкин эмас. Чунки бу вақтда ёш етим бола ўзини ҳам, молини ҳам ҳимоя қила олмайди. Шунинг учун уларнинг ўзларини ҳам, молларини ҳам шарият алоҳида эътибор билан муҳофаза этади.

«Яхшилик ила бўлса, мустасно» дегани етимнинг молини яхши ният билан кўпайтирса ёки ҳомий у молни етимнинг ўзига сарфласа ёхуд ҳомий ўзи сарфлаб, кейин жойиға қайтариб қўйса, шу мақсадда яқинлашса бўлади, деганидир. Бу ишларда Ислом жамияти масъулдир.

«Аҳдға вафо қилинглр. Албатта, аҳд сўралажак нарседир».

Ислом дини Аҳдға вафо қилишға қанчалик катта аҳамият беришини ўтган сура ва ояти карималарда кўриб ўтганмиз. Аҳдға вафо қилиш якка шахслар ва жамоалар орасидаги ўзаро ишонч, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликнинг асосидир. Исломда якка шахслар, жамоалар, халқлар ва давлатлар орасида аҳдға вафо қилишға алоҳида эътибор берилади. Аҳдға вафоли бўлишда инсоният тарихида ҳеч ким мусулмонларға тенг келган эмас.

Аҳдға вафо қилишға даъватдан сўнг, кейинги оятда ўлчаш ва тортишни тўлиқ қилиш масаласиға ўтилади:

خَيْرُ ذَلِكَ الْمُسْتَقِيمِ بِالْقِسْطِ وَسِوَزِنُوا كَلِمَةً إِذَا الْكَيْلَ وَأَوْفُوا

تَأْوِيلًا وَأَحْسَنُ ٣٥

«Ўлчаган чоғингизда тўлиқ ўлчанг ва тўғри тарози ила тортинг. Ана ўша яхшидир ва оқибати гўзалдир» (*Исро сураси, 35-оят*).

Олди-берди чоғида ўлчашни тўғри олиб бориш, бирор нарсани тортиб беришда адолат тарозиси ила тортиш аҳдга вафо қилишнинг кенг тарқалган кўринишларидан биридир. Кишилар ўртасидаги таомилда доимо мавжуд омилдир. Тўғри ўлчаб, тўғри тортиш омонатдир; қалб поклигининг аломатидир; ўзаро ишончга боғлиқ нарсадир; хайр-барака омилидир.

Бу соҳада ҳам ҳеч ким мусулмонларга тенг келган эмас. Чунки бу ишларни Қуръони Карим ва ҳадиси шариф шунчалик кўп тарғиб қилганки, мусулмонлар уни эътиқодларининг бир қисмига айлантириб олганлар. Кейинги асрларда кўпгина юртларда Исломнинг кенг тарқалишига айнан мусулмон савдогарларнинг тўлиқ ўлчовлари, тўғри тортишлари, бировнинг ҳаққига хиёнат этмасликлари, омонат ила муомала қилишлари сабаб бўлган. Умрида бундай гўзал ахлоқни, омонатли, ҳалол-пок кишиларни кўрмаган турли халқлар вакиллари мусулмон савдогарлардан ушбу адолатли муомалаларни кўриб, бу гўзал шарофатларнинг манбаи бўлган Ислом динига гуруҳ-гуруҳ бўлиб кира бошлаганлар.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди